

Фермер хўжалиги ташкил этиш:

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Конуннинг 5-моддаси (Фермер хўжалигини ташкил этиш шартлари)га кўра, чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камидаги 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалигига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблагандаги Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида суғориладиган ерларда камидаги 0,3 гектарни (наслдор чорвачилик фермер хўжаликлари учун 0,5 гектарни), бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги суғориладиган ерларда тегишинча, камидаги 0,45 гектарни (наслдор чорвачилик фермер хўжаликлари учун 0,6 гектарни), суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камидаги 2 гектарни ташкил этади.

Дехқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камидаги 30 гектарни, ғаллачилик ва сабзавотчилик учун камидаги 10 гектарни ташкил этади. Ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камидаги 1 гектарни ҳамда кўпине билан 5 гектарни ташкил этади. (www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси)